

идрок ва тафаккур, хулқий фаолиятдаги мустақиллик ва жасурлик каби фазилатлар эркаклик тушунчалик негизини ташкил этади. Жисмоний нафосат, ақлий ва ҳиссий бойлик, шарм-ҳаё, бокиралик, назокатлилик ва покизалик, оиласа садоқат ва меҳрибонлик каби хусусиятлар аёл тушунчасидаги устивор унсурлардир. Бироқ юқоридаги ахлоқий ўзига хосликлар бир жинс соҳибига даҳлдор бўлиб, иккинчиси бундан маҳрум деган маънени билдиримайди. Бу ерда жинсга хос бўлган туфма қобилиятларнинг нисбатан устивор томонларига ургу берилмоқда, холос. Эркак ва аёллар ахлоқий маданиятидаги айрим жиҳатлар асло уларнинг бир-бирини инкор этишга эмас, аксинча, бир-бирини тўлдириб, мазмунан бойитиб, шахснинг маънавий ривожланиб боришга кучли таъсир кўрсатишга йўналтирилгандир. Демак, эркак ва аёлларда ахлоқий маданиятнинг турли жиҳатлари барқарор ва асосли тарзда намоён бўлиб, ана шундай ранг-баранглик асосида жамиятнинг маънавий ҳаёти ривожланиб, бойиб боради.

Республикамизда қарор топаётган бозор иқтисоди муносабатлари жамиятимиз аъзоларининг руҳияти, дунёқарашида, ахлоқий тасаввур ва қарашларидан туб ўзгаришларга олиб келаётганлиги табиий бир ҳол. Эркак ва аёллар оиласида ижтимоий мавқеида юз берадиган ўзгаришларнинг муайян қисмини шу билан изоҳласа бўлади. Чунончи, эркаклар билан бир қаторда аёл бугун фермер, ишибилармон, тижоратчи, ижаракчи, оила бошлиғи. Бироқ, шуни афсус билан қайд этиш керакки, тижорат аёллар ва болалар гарданига катта юк бўлиб тушаётир, айрим ёшларнинг эса ижтимоий фаолият билан етарли тарзда шуғулланмаслик ҳолатлари миллий маънавиятимиз ва ахлоқий маданиятимиз ривожига салбий таъсир кўрсатаётганлигидан кўз юмиб бўлмайди.

Юқоридагилардан кўринадики, ахлоқий маданиятнинг ривож топиши ўта зиддиятли, мураккаб ҳамда тадрижий жараёндир. У, бир томондан, иқтисод, сиёsat ва демократик жараёнлар даражасига, бошқа томондан, оиласида ижтимоий тарбиянинг мазмуни, сифати ва савиясига бевосита боғлиқдир. “Одамларга нисбатан уларни бирлаштирувчи бошланғич асос инсонийликдир” - деган эди буюк мутафаккир Фаробий[3]. Худди шу маънода айтиш мумкинки, инсонийлик маънавиятнинг моҳиятини ташкил этиб, ахлоқий маданиятни белгиловчи бош омил ҳисобланади. Юксак солоҳият соҳибларини маънавий жиҳатдан шакллантиришда ва комиллаштиришда ривожланган ижтимоий ва шахсий ахлоқий маданият улкан социал вазифани адо этади.

АДАБИЁТЛАР

- [1].Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Тошкент, Ўзбекистон, 1995, Б.205.
[2].Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент, Ўзбекистон, 1997, Б.187. [3].Фаробий Абдулваҳаб Наср. Фозил одамлар шаҳри. Тошкент, Мерос, 1993, Б.186.

Фалсафа ва мантиқ кафедраси

Қабул қилинди
25.02.97.

УДК 94(575.1)

ХОЖА АҲРОР ТАРИХИГА ОИД НОЁБ МАНБАА

З.А.Қуттибоев

В статье впервые в источниковедческом аспекте исследуется уникальное сочинение Мир Абдулвавала "Масмоут".

This article deals with the unique investigation of "Masmout" by Mir Abdullaual for the time.

Хожа Аҳрор Валий(1404-1490)нинг ҳаёти, фаолияти ва таълимотига оид мўътабар манбаалар тарихнинг шафқатсиз синовларига дош бериб, бизнинг замонларга қадар етиб келган. Ўз даврида машҳур шарқшунос Н.И. Веселовский (1848-1918) муаррих Сайид Роқим Самарқандийнинг “Тарихи касира” (“Кўп та-

рих") асарига [1] таянган ҳолда хожа Аҳрорнинг ҳаётига бағишиланган учта манбаани кўрсатади. Улардан биринчиси Мавлоно Муҳаммад Қозининг (вафоти хижрий 921) "Силсилат ул орифин ва тазкират ас-сиддиқин" ("Орифлар силсиласи ва содиқлар қўлланмаси") асари, иккинчиси - Мир Абдуллаввалнинг "Мажмуя" сидир. Учинчиси -Фахрутдин Али ибн Хусайн Вониз ал-Кошифийнинг "Рашаҳот айн ул-ҳаёт" ("Ҳаёт чашмаларидан томчилар") асаридир[2]. Н.И. Веселовскийнинг мазкур тадқиқотидан маълум бўлишича, у юқорида тилга олинган манбаалардан фақат биттаси -"Рашаҳот" билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлган. Ўша боис, тадқиқотчи асосли равишда "Рашаҳот" га юқори баҳо беради ва уни хожа Аҳрор ҳаёти ва таълимотига оид манбаалар орасида таърифлайди.

Йирик манбаашунос олима О.Д.Чехович эса, хожа Аҳрорга бағишилаб ёзилган "Маноқиб" ("Таъриф китоби") ва "Мақомат" ("Ҳаёт йўли") ва бошқа турдаги асарлар орасида Мир Абдуллаввал Нишопурийнинг (1500 йилда вафот этган) "Масмуот" ("Эшитилганлар") асарини биринчи ўринга қўяди. Чунки "Масмуот" бошқа асарлар, хусусан Муҳаммад Қозининг "Силсилат ул-орифин" ва Фахрутдин Алиниг "Рашаҳот"ига нисбатан илгарироқ ёзилгани ҳолда ўша асарлар учун ўзига хос манбаа вазифасини ўтаган [3]. Мана шу ўринда "Силсилат ул-орифин" ва "Рашаҳот"ларнинг қимматли манбаа сифатидаги аҳамиятини эътироф қилган ҳолда, О.Д.Чеховичнинг фикрига қўшилиш мумкин. Афсуски, "Масмуот" ҳозирги кунга қадар тадқиқотчилар томонидан маҳсус ўрганилмаган.

Мир Абдуллаввал Нишопурийнинг қаламига мансуб бўлган "Масмуот" ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўллэзмалар фондида 3735/11 рақам остида сақланади.

"Шарқ қўллэзмалири каталоги"ни нашрга тайёрловчилар 8-жилддаги 5977 тартиб рақамли 3735/11 сонли қўллэзма манбаани "Мақомати хожа Аҳрор" сифатида тасниф қилганлар [4]. "Мақомот" нинг тузувчиси сифатида хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг набираси хожа Абдулҳақ кўрсатилган.

Йирик шарқшунослардан О.Д.Чехович, А.Ўринбоевлар 3735/П рақамли қўллэzmани манбаашунослик нуқтаи назаридан ўрганишгани ҳолда, уни Мир Абдуллаввал Нишопурийнинг "Масмуот" асари сифатида эътироф этишган [5]. Дарҳақиқат, қўллэzmанинг 109^а- варагида масалага ойдинлик киритувчи битик бор. Унда куйидагиларни ўқиймиз: "Аз сухани Қутбул ақтоб хожа Убайдуллоҳ Аҳрор", яъни "Қутбул ақтоб хожа Убайдуллоҳ сўзларидан"деб ёзилган. Қўллэzmанинг "Масмуот" қисми "109^а"дан бошланиб "227^а" варакқа қадар давом этади. Айтиш мумкинки, ўша қўллэzма иккита мустақил асардан иборот бўлиб, унинг биринчиси хожа Абдулҳақнинг бобоси ҳақидаги "Мақомот"и ва иккинчиси, шубҳасиз, "Масмуот"дир.

Энди бевосита "Масмуот" ҳақида тўхтатадиган бўлсак, унинг ёзилиши санаси кўрсатилмаган. Лекин "Масмуот"нинг охирги саҳифаларидан бирида асарни хожа Аҳрорнинг вафотидан кўп ўтмай ёзилганлиги кўрсатилган [6]. Асар 1490-1500 йиллар оралиғида ёзилганлигини тахмин қилиш мумкин.

О.Д.Чеховичнинг аниқлашича, бизнинг давримизга қадар "Масмуот"нинг уч нусхаси етиб келган. Улардан биринчиси ЎзР ФА нинг Шарқшунослик институтидаги ягона нусхадир. Қолган икки нусхаси шарқ қўллэzмаларининг ихлосманди самарқандлик Б. А. Махмудовнинг шахсий кутубхонасида сақланади [7].

Манбаанинг ҳар учала нусхаси палеографик хусусиятларига кўра, XVI-XVII асарларга мансуб бўлиб, матнлари бир-бирларидан деярли фарқ қилмайди. Тошкент нусхаси ҳаттот Мир Абдуллоҳ Самарқандий томонидан фил суюги рангидаги қалин Ўрта Осиё қофозига бироз ётироқ (ҳинд) настаълиқи билан ёзилган. Сарлавҳалар йирик рангли ҳарфлар ёрдамида битилган. Мазкур нусхани XVI аср охирида ёзилганлигини тахмин қилиш мумкин. Манбаанинг ҳажми 14x22 см бўлиб, асар форс-тоҷик тилида ёзилган.

Жо Анн Гросс хоним хожа Аҳрорнинг ҳўжалиги тарихига бағишиланган тадқиқотида "Масмуот"нинг яна бир нусхаси Лондондаги "Индия Оффис" кутубхонасида др 890 рақами остида сақланётгани ҳақида ёзади.

Олиманинг таъкидлашича, Мир Абдуллаввал Нишопурийнинг бу асари “Мажолиси Убайдуллоҳ Аҳрор” номи билан ҳам юритилади [8]. Афсуски, Ж. Гросснинг тадқиқотида “Масмуот”нинг Лондон нусхасининг манбаашунослик нуқтаи назаридан таснифи берилмаган.

“Масмуот” муалифи Мир Абдуллаввал Нишопурий хожа Аҳрорнинг энг яқин асхобларидандир. У эшоннинг юксак эътиборига эришиб, унга күёв бўлган. Мир Абдуллаввалнинг отаси Амир Аизиддин Тохир Нишопурий аллома бўлиб, Нишопур мадрасасида диний илмлардан дарс берган. “Рашаҳот” муаллифи Фахрутдин Алининг отаси Ҳусайн Воиз Кошифий Мир Абдуллаввал билан бирга мазкур мударрисдан дарс олишганлар. Мир Абдуллаввал ўз даврида катта обру ва нуфузга эга бўлгани ҳолда, Алишер Навоий билан яқиндан таниш бўлган. “Мажмуай мурсолот”дан ўрин олган унинг 16 дасхати бу ҳақда шаҳодат беради [9].

Мир Абдуллаввал хожа Аҳрор билан бирга бўлганлиги сабабли унинг кўплаб сұхбатларидан баҳраманд бўлган. Шу сабабли, “Масмуот”да муалиф ўзи эшигтан ҳикоя, нақл ва ўғитларни келтирадики, улар тасаввуф назарияси ва амалиётига, умуман инсоннинг маънавий камолоти масалаларига оид фойт теран фикрлардир.

“Масмуот” хожа Аҳрор Валийнинг ақл заковати, фикрлаш доирасининг нақадар кенглигини тасаввур қилиш имконини беради. Зоро, эшон ҳазратлари Искандар Зулқарнайн, дастлабки араб халифаларидан бошлаб то соҳибқирон Амир Темургача бўлган ҳукмдорлар тарихини билгани ҳолда, Аристотелис (Аристотель), Афлотун номларини ҳам тилга олади. Шунингдек, тасаввуфнинг буюк силсиласига мансуб хожа Юсуф Ҳамадоний, хожа Аҳмад Яссавий, хожа Абдуҳолиқ Фиждувоний, Шайх Ҳованди Тахур, шайх Шибний, шайх Боғдодий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд каби улуф зотлар номидан уларнинг ҳикматли сўзлари келтирилади.

“Масмуот”да хожа Аҳрор тилидан кўплаб шеърий парчалар келтирилади, у ҳазратнинг назму нафосатга бўлган меҳр-муҳаббатидан дарак беради. Албатта, ўта нафис назмлар ким томонидан ёзилганлиги мумтоз адабиёт тадқиқотчилари учун алоҳида мавзудир. Шунга қарамай, хожа Аҳрордаги лутфни, бирон бир гояни талқин қилишдаги шеърий парчалардан оқилона фойдаланиш услуби ҳар қандай инсонни ҳайратга солади. Мана бу сатрларга эътибор берайлик:

Гар ишқ набудий ва ғами ишқ набудий.

Чандин сухани хўб ки гуфтӣ ки шунидӣ,

Гар бод набудий ки сари зулф набудий.

Рухсори маъшуқ ба ошиқ ки набудий.

Таржимаси:

Агарда ишқ ва унинг ғами бўлмаганда эди,

Шунча яхши сўзларни ким айтарди-ю, ким эшитарди,

Агарда зулфни паришон қиласиган ел бўлмаганда эди,

Ким маъшуқа юзини ошиқа кўрсатар эди [112^a-в.]

Мана шу шеърий парчада “Масмуот”нинг яратилиши сабабини тушунишга ишора бор. Зоро, хожа Аҳрор Валий ҳазратлари ўзлари эришган юксакликдан туриб, авлодларга илму ҳикматдан сўзламакни жоиз, деб билганлар. “Масмуот”да анъанавий мундарижа, алоҳида боб ва қисм йўқ. Лекин манбаадан ҳикоя, нақл, ҳикмат, ўғит ва бошқа турдаги материалларни берилиши тартибсиз эмас, балки асарнинг номига тўла мос келади. Чунки Мир Абдуллаввал фақат эшигтланларини ўта зийраклик ва билимдонлик билан қоғозга туширган.

“Масмуот”да тасаввуф назариясига оид масалаларига кенг ўрин берилган: “Муҳаббат ва робита тариқаси шунинг учундирки, қалб жумла хотир ва алоқалардан пок, тоза бўлади. Зероки,(Оллоҳга) муҳаббат камолга етганда, муҳиб билан маҳбуб бирлашадилар. Маҳбубнинг муроди муҳибнинг матлабига айланди. Муҳиб аҳадият (бирлик) тажаллиётининг мазхари (кўриниши) жойига айланди”[116^a].

Кўринадики, бу ўринда тасаввуф назариясига оид фикрлар чуқур фалсафий мушоҳадалар билан уйғунлашиб кетган. Бошқа бир ўринда тасаввуф манзилларининг муайян босқичларига эришган соликнинг ҳолати тасвиранади: “Тамкин (вазминлик, событилик) мақомига етишдан олдин заруриятсиз сўз айтиш

тўғри эмас, кўп кулги ҳам юракни чарчатади. Кўп сўзлаш ҳам қалбни ҳалок эта-ди. Тамкин мақоми шундан иборатки, [инсоннинг] [доимо] хузур ва огоҳда бўлиши қалбнинг зотий васфига айланади ва ҳеч қачон зойил (йўқ) бўлмай-ди”[118^{а-в}.]

“Масмуот”да реал ҳаётга, фойдали меҳнатга ундовчи ҳикоялар ҳам бор-ки, улар хожа Ахрорнинг тасаввуфдаги салафларидан илгарилаб кетганлигидан дарак беради. Мана шу нуқтаи назардан қўйидаги ўғитларни келтириш ўринли-дир. Хожа Ахрор ҳазратлари “баъзиларга насиҳат қиласкан: кўп ишланглар, ҳа-ракат қилиб, мулк қўлга киритинглар. [Меҳнат туфайли] жамиятдан нима ор-тирансангиз, ўшани мулкка айлантиринг”(121^{а-в}.) дер эдилар.

Хазрати эшон: “Менинг олдимда” хидмат туро бо кунгураи кибриё ка-шад” (яъни “хизмат-меҳнат сени кибриё кунгурасига кўтаради) деб бошланувчи шеърни мана бундай талаффуз оҳангда ўқиш зарур деб кўрсатардилар”(1196-в). Шу мисра замирида “эй, инсон (меҳнат) сени улуғлик чўққисига кўтаради”, де-ган чуқур мазмун бор эди.

Демак, Мир Абдуллаввал Нишопурийнинг “Масмуот” асари хожа Ахрор Валийнинг ҳаёт тарзи, фаолияти ва халқчил таълимотини ўрганишда илмий-назарий жиҳатдан муҳим манбаадир.

АДАБИЁТЛАР

[1].Мир Сайд Шариф Роқим Самарқанди й “Тарихи касида” ёки “Тарихи Роқими”. СВР АН РУз., том I, с. 68-71; том V, с. 42-44; том VI, с. 27-32 [2].Веселовский Н.И. Памятник Ходжи Ахрара в Самарканде. СПб, 1925, С.322 [3].Чехович О.Д. Самаркандские документы XV-XVI вв. М., Наука, 1974, с.14 [4].Собрание восточных рукописей ИВ АН РУз. Ташкент, 1967, Т.8, С.420 [5].Чехович О.Д. Самаркандские документы. с.14 [6].Масмуот. ЎзРФА Шарқшунослик институтининг қўллөзмаси. Инв. №3735/П, в.226 а. [7].Чехович О.Д. Самаркандские документы. с.15 [8].Jo - App Gross s. I Multiple Roles and Perceptions of a Sufi Shaikh: Symbolic Statements of Political and Religious Authority. Р.113 [9].Ўринбоев А., Хасанов М. Навоий замондошлари мактубларида. Т., Фан, 1990, Б.30.

Андижон давлат университети

Қабул қилинди
1.05.97.

УДК 94(575.1)

АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИНИ ВУЖУДГА КЕЛИШИННИНГ ЎЗИГА ХОС ТО-МОНЛАРИ

О.Раҳимов

В статье, основываясь на новых научных изысканиях, рассматриваются вопросы борьбы между Амир Тимуром и Амир Хусаином за власть, за устранение (окончания) двое-власти и установление единого централизованного государства. Таким образом, в статье с научных позиций анализируется проблема проведения съезда правителей имеющего государство значение.

Based on scientific materials the article contains the struggle between Amur Temur and Amir Husein for the power, the ending of oppositions and “Two authorite state” and the appearence of a single controlized Amir Temur’s strong empire at the same time this article describes the decision of important state problems in different places during “Kurultays”.

Салоҳиятли давлат арбоби, шавкатли ҳарбий саркарда Амир Темур жаҳон халқлари тарихида улкан из қолдирган тарихий шахс саналади.

Амир Темур марказлаштирилган ҳолда бошқариладиган, янгича давлат идора усулидаги ҳокимиятни барпо қилиш ниятида Мавороунарда ҳокимиятни қўлга олгач, дастлабки тадбирларидан бири режали равишда қурултойлар ўтка-зиш бўлди. Шарафиддин Али Яздийнинг маълумотларига қараганда, бу йиғи-лишларда мамлакатнинг хўжалик ҳамда ҳарбий аҳволи ҳақидаги энг муҳим ма-салалар муҳокама этилар, мамлакат ва давлат учун муҳим бўлган қарорлар қа-бул қилинар, тадбирлар белгиланар эди [1]. Бундай қурултойлар Амир Темур томонидан Қарши, Қорабоғ[2], Самарқанд ва бошқа жойларда ҳам ўтказилган.